# Qishloq hayoti

2012 йил Мустаҳкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 24-FEVRAL, JUMA, 26 (7955) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




**"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик компанияси фермер хўжаликларини юқори самарали техникалар билан таъминлашда қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Компания томонидан 2009 йилда 3133 та, 2010 йилда 3444 та техника фермерларга етказиб берилган бўлса, ўтган йили мазкур кўрсаткич 5294 тани ташкил этди. 2001 йилдан буён эса 37900 дона техника фойдаланувчиларга топширилди.**

2



**Мўл ва юқори сифатли ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан уруғ сифати, унувчанлик даражаси юқорилиги, мавсумга тайёргарлик ишларининг ўз вақтида амалга оширилишига боғлиқлигини тажрибада тўғри англаган пахтакорлар, дорилаш корхона-цехлари жамоалари уруғлик чигитни саралаб, экин-тикин мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.**

3



**Қарши шаҳридаги Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номли вилоят мусиқий драма театри ўзининг бой тарихи ва ўзига хос бугунига эга. 156 нафар ходимдан иборат жамоанинг қарийб тўқсон нафарини ижодий изланишлар олиб бораётган актёрлар, созанда, хонанда ҳамда раққосалар ташкил этади.**

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Навоий вилояти



## ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури юксак маънавиятли, малакали мутахассисларни етказиб беришда муҳим омил бўлмоқда.**

Навоий давлат педагогика институти – замонавий олий таълим муассасаларидан бири. Ёшларнинг пухта билим олиши учун барча шарт-шароитга эга мазкур институтнинг саккиз факультетида 5,7 мингга яқин йигит-қиз таҳсил олмоқда. Уларга малакали профессор-ўқитувчилар энг илғор педагогик технологиялар асосида таълим бераётир.

Институтда талабаларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, уларни юксак фазилатлар руҳида камол топтиришга йўналтирилган маданий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилади. Кафедралар қошидаги илмий ва ижодий тўгараклар талаба-ёшларга ўз истеъдодини, салоҳиятини намоён этиш ҳамда ривожлантириш имконини бермоқда.

**СУРАТДА:** *талабалар Нафиса Йўлдошева ва Зилола Турдиева кимё дарсида.*

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

## Куннинг муҳим воқеалари

► Шаҳрихон туманида замонавий талаблар асосида тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга янги ташхис маркази иш бошлади. Марказда АҚШнинг "Jeneral elektrik" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган замонавий, энг сўнгги русумдаги компьютер томография аппарати орқали барча касалликлар бўйича юқори аниқликда ташхис қўйиш имконияти яратилди.

► **Наманган туманида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳудудда фаолият кўрсатаётган 30 корхона ва ташкилот, муассаса ва фермер хўжаликлари 335 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада қатнашган фуқаролар, жумладан, хотин-қизлар ва ёшлардан 125 нафари ўз мутахассислигига мос иш топиб, тегишли меҳнат жамоаларига ишга кириш учун йўлланма олди.**

► Термиз шаҳрида Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинмаси ташаббуси билан "Ижтимоий шериклик шакли ва механизмларини ривожлантириш – нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ролини кучайтиришнинг муҳим омили" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда вилоятдаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари вакиллари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Андижон вилояти

## ТАДБИРКОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – МУҲИМ ВАЗИФА

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида янги иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини ошириш юзасидан муҳим вазифалар белгиланган.**

Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш кафолатлари тизимини яратиш – иқтисодиётни бошқаришни янада либераллаштиришнинг устувор йўналиши" мавзуида ўтказилган семинарда вилоятда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, солиқ, банк, адлия, суд тизимлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси вакиллари ва семинарнинг бошқа иштирокчилари Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бераётганини, тадбиркорлик субъектларини молиявий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар кўлами янада кенгаяётганини таъкидладилар. Соҳа ривожини таъминловчи мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилиб, тадбиркорлар учун кенг имконият ва имтиёзлар берилаётгани кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

2011 йилда Андижон вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 56,3 фоизни ташкил этди.

Семинарда солиқ идоралари ва тадбиркорларнинг муносабатларини янада либераллаштириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, улар фаолиятини асоссиз чеклаш ҳолатларига йўл қўймаслик, банклардан кредит ажратиш, кредит ресурсларидан фойдаланиш кафолатларини таъминлаш механизмларини янада соддалаштириш масалалари хусусида сўз юритилиб, тадбиркорларга мутахассислар томонидан тегишли тавсия ва маслаҳатлар берилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган анжуманда ишбилармонлик фаолияти, умуман, тадбиркорликнинг ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш борасида атрофлича фикр алмашилди. Ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан тадбиркорларни ҳамиша қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун кўмаклашиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Бундай семинарлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилларининг солиқ тўловлари ва солиқ имтиёзлари, тижорат банкларининг микромолиявий хизматларидан фойдаланиш, бизнесни йўлга қўйиш борасидаги ҳуқуқий билимларини янада бойитишга хизмат қилиши қайд этилди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими А.Усмонов иштирок этди.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзА мухбири.**

Жиззах вилояти

**Жиззах вилоятида 2011 йили 74,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Бу 2010 йилга нисбатан 3,7 баравар кўпдир.**

## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Вилоятда хомашёни қайта ишлайдиган янги корхоналарнинг ишга туширилиши, мавжудларининг модернизация қилиниши самарасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда. Хусусан, ўтган йили экспортга маҳсулот чиқарадиган ҳудудий корхоналар сони тўрттага кўпайди. Айни пайтда вилоятда йигирма учта корхона хорижга маҳсулот сотаётир.

– Корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш турлари, сифати ва ҳажмини ошириш имконини бермоқда, – дейди вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо ҳудудий бошқармаси бошлиғи Алишер Қодиров. – Ўтган йили экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқараётган олтита корхонада жами 1,7 миллион долларлик модернизация ишлари амалга оширилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Маҳсулот экспорт қилинадиган мамлакатлар жўғрофияси ҳам кенгайиб бораётир. 2011 йили улар сафига Эрон, Украина, Бирлашган Араб Амирликлари, Ироқ каби мамлакатлар қўшилди.

**Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.**

Бухоро вилояти

## ШОФИРКОНДА ЯНГИ САВДО МАЖМУАСИ

**Тадбиркорлар томонидан ишга туширилаётган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари қишлоқлар қиёфасини ўзгартирибгина қолмай, янги иш ўринлари яратиш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш имконини беряпти.**

Нортожи Очилов дастлаб Шофиркон тумани марказида кичик савдо дўкони қуриб, фаолият бошлаганди. Бугун у ҳудуддаги кўзга кўринган тадбиркорлардан. Ўтган йили тадбиркор хайрли ишни йўлга қўйди. Бу борада унга молия муассасалари яқиндан кўмаклашди. Халқ банкининг туман бўлимидан олинган 50 миллион сўм миқдоридаги кредит эвазига "Фарангиз" маиший хизмат кўрсатиш ва савдо мажмуаси ишга туширилди. Замонавий архитектура талаблари асосида қурилган мажмуада озиқ-овқат, гўшт, кийим-кечак сотиш дўконлари, новвойхона, ошхона, тикувчилик цехи, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, дорихона, суратхона, компьютер, телевидео ҳамда уларни таъмирлаш, қўйингки, барча маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

— Ўтган йили туманимизда яратилган 6603 та янги иш ўрнининг 74 фоизи Нортожи Очилов сингари тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келди, — дейди Шофиркон тумани ҳокими Идибой Жўраев. — Хусусан, "Шофиркон экваториал текс", "Аслбек нурли келажак" каби масъулияти чекланган жамиятларининг ҳар бирида 100 нафардан ортиқ ёшлар иш билан банд. Қувонарлиси, "Шофиркон экваториал текс" корхонаси маҳсулотлари экспорт қилинмоқда.

**Ҳамроз АЛИ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ ҲАМ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

**2012 йил 23-27 октябрь кунлари Буюк Британияда Ўзбек Кураши бўйича ёшлар ва кадетлар ўртасида VII жаҳон чемпионати ўтказилади. Кураш Халқаро Ассоциацияси делегацияси ушбу мусобақага тайёргарлик жараёни билан танишиш мақсадида Буюк Британияда бўлиб келди.**

— Навбатдаги нуфузли мусобақа — ёшлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати Буюк Британиянинг Борнмут шаҳрида ўтказилади. Мусобақа ўтказиладиган шаҳар мамлакат пойтахти Лондонга яқин бўлиб, Ла-Манш бўғози қирғоғида жойлашган хушманзара масканлардан ҳисобланади. Жорий йил ёзда Лондонда Олимпиада ўйинлари ўтказилиши кўпчиликка маълум. Олимпиада ўйинларининг баъзи спорт турлари бўйича беллашувларига Борнмут шаҳри мезбонлик қилади. Шу омилларнинг ўзи Жаҳон чемпионатини ўтказиш учун зарур инфратузилма ва барча шароитларга эга бўлган қулай жой танланганидан далолат бериб турибди. Мусобақани юқори даражада ўтказиш, мухлисларни жалб этишда бу омиллар муҳимдир.

Мусобақа 16 ёшдан 20 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида ўтказилиб, унда олтмишга яқин давлат вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

Мусобақа давомида хорижликларни ўзбек миллий маданияти билан таништириш ишлари ҳам олиб борилади. Яъни санъаткорларимиз мусобақа иштирокчиларига ўз концерт дастурларини намойиш этишади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбек курашига, миллий маданиятига қизиқиш жудаям юқори, бундай дастурларни намойиш этиш ташаббусини хорижлик ҳамкорлар қизғин қўллаб-қувватлайди. Кураш бўйича мусобақаларни ташкил этишда ҳам фаоллик кўрсатишади. Бу, албатта, курашнинг нуфузи кундан-кунга ортиб бораётганидан далолат. Жаҳон чемпионати беллашувларининг натижаларини миллионлаб кураш ихлосмандларига етказиб бериш борасида ҳам эътиборли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Жаҳон чемпионати арафасида интернет тармоғида мусобақага бағишланган махсус веб-сайт ишга туширилади. Британия Кураш Ассоциацияси мутасаддилари эса жаҳонга машҳур — Sky Sports ҳамда EUROSPORT телеканаллари билан беллашувларни бутун жаҳонга трансляция қилиш бўйича келишувга эришган.



Тадбир давомида Индонезияда бўлиб қайтган мураббийлар бу мамлакатда ҳам кураш оммавийлашиб бораётганини айтиб, ўз таассуротлари билан ўртоқлашишди. Хусусан, яқинда Индонезияда мамлакат Кураш Ассоциацияси ўз фаолиятини бошлаган. Индонезия Кураш Ассоциацияси Халқаро Кураш Ассоциацияси аъзолигига кириш ниятида бўлиб, бу масала Халқаро Кураш Ассоциациясининг жорий йил октябрида Буюк Британияда бўлиб ўтадиган йиғилишида кўриб чиқилади.

Шунингдек, Осиё мамлакатларининг курашчилари 2013 йил Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда. Бир гуруҳ ўзбекистонлик кураш мураббийлари Индонезияда бўлиб, 20 кунлик ўқув-семинар машғулотларида қатнашиб келишди.

Шу муносабат билан Миллий Матбуот Марказида Кураш Халқаро Ассоциацияси вакиллари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1998 йил 6 сентябрда Кураш Халқаро Ассоциацияси тузилиб, миллий спортимиз — кураш халқаро спорт тури мақомини олди.

Бугунга келиб, ўзбек кураши дунёга кенг ёйилмоқда. Кураш Халқаро Ассоциацияси бу борада самарали фаолият юритаётир. Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерациялари таркибига бирлашган юздан ортиқ давлатда мазкур яккакураш тури бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юксак савияда ташкил этилаётир.

— Жорий йил ҳисобидаги биринчи мусобақа — "Ислом Каримов" VIII-халқаро турнири Грецияда муваффақиятли ўтди, — дейди Кураш Халқаро Ассоциацияси бош котиби Умид Якубов.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

Қорақалпоғистон Республикаси

▼ ҚАРОР ВА ИЖРО

# ЯШНАЁТГАН ШУМАНАЙ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрда "2011-2013 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Ўтган даврда мазкур қарор бўйича туманда бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда туман ҳокими Кароматдин АБДИЖАЛИЕВ билан суҳбатлашдик.**

**— Қарор ижросини таъминлаш мақсадида қандай ишлар амалга оширилди?**

— Мазкур қарорнинг қабул қилиниши туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Туман Кенгаши депутатлари, фаоллар, корхона, ташкилот раҳбарлари иштирокида Дастурдан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди.

Дастур ижросини таъминлаш бўйича туман марказида 150 ўринли Болалар мусиқа ва санъат мактаби учун янги бино, 7-умумтаълим мактаби қошида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан янги спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида капитал таъмирлаш ва 2-мактабгача таълим муассасаси биносида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Туман тиббиёт бирлашмаси биносида "Қорақалпоқтаъмирқурилиш" МЧЖга қарашли 1-қурилиш бошқармаси томонидан капитал реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Бирлашмага Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2 та "Дамас" автомашинаси ажратилди. "Саломатлик-2" лойиҳаси бўйича туман кўп тармоқли марказий поликлиникасига 2 тадан, "Деҳқонобод" ва "Кўккўзов" қишлоқ врачлик пунктларига 1 тадан, жами 4 комплект жиҳозлар олиб келинди.

Туманда электр энергияси ва табиий газ таъминотини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, "Шуманай", А.Мусаев, "Деҳқонобод" электр нимстанцияларининг ускуналари ва иншоотларида 75 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Оқжап, Деҳқонобод овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги трансформаторлар янгисига алмаштирилди. Туман электр тармоқлари корхонасига "Дамас" автомашинаси олиб берилди. Кетенлер ОФЙ ҳудудидаги ўрта босимли 4 километр газ тармоғи, Деҳқонобод, Сарманбайкўл ОФЙ ҳудудидаги ўрта босимли 310 метр газ тармоғи мукаммал таъмирланди. "Ўзтрансгаз" компанияси маблағи ҳисобидан 2 қаватли янги маъмурий бино қурилиши олиб борилмоқда.

Йўловчи ташиш транспорти хизматини яхшилаш мақсадида "Шаҳарлараротранс" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, "Асакабанк" кредити ҳисобидан 10 та "Исузу" микроавтобуси олиб келинди.

Республика йўл жамғармаси ҳисобидан жами 13 та автобекат қурилиши олиб борилди. Туманимизда "Трансйўлқурилиш" компаниясининг асфальт заводи ишга туширилди.

Ҳудудимизда жами 28,8 километр хўжаликлараро қувурлар тозаланиб, 53,4 миллион сўм ўзлаштирилди. 111 километр ички суғориш тармоқлари тозаланди.

Ирригация тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида "Сууенли" ирригация бошқармасининг туман бўлимига 1 та бульдозер, 2 та экскаватор, фермер хўжаликларига 7 та икки ярусли омоч олиб берилди. 7 та ТТЗ-80-11 русумли чопиқ трактори ҳамда 8 та қўш қатор пахта экиш сеялкаси лизинг орқали олиш режалаштирилган.

Туман деҳқону боғбонлари баҳорги дала юмушларини бошлаш арафасида. Ҳозирда 50 гектар майдонда мевали боғ, 100 гектарда пиёз, 10 гектар майдонда тутзор барпо этиш бўйича ер майдонлари тайёрланди. Деҳқонобод овул фуқаролар йиғини ҳудудида 30 гектарга пиёз, Бегжап овул фуқаролар йиғини ҳудудида 10 гектарга тут кўчатлари экилди.

**— "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижроси бўйича амалга оширилган ишларга ҳам тўхталсангиз?**

— Шу кунга қадар 718 та кичик бизнес субъектлари давлат рўйхатидан ўтган бўлса, ўтган йилда 62 та тадбиркорлик субъекти янгидан ташкил этилди. Кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги улуши саноатда 85,6, қишлоқ хўжалиги ва қурилишда 100, савдо соҳасида 55,4, пуллик хизматда 25,3 фоизни ташкил этди. Йил мобайнида жами 1659 та янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, шунинг 469 таси кичик бизнес субъектлари ҳисобига тўғри келди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. "Хўжайли толаси" акциядорлик жамиятининг маблағи ва "Агробанк"дан олинган 100 миллион сўм кредит эвазига Шуманай пахта тозалаш корхонасининг бўш турган биносида 20 мингта жўжага мўлжалланган паррандачилик комплексининг биринчи навбати ишга туширилиб, айни кунда 10 минг жўжа боқилмоқда. "Тахиатошдон" акциядорлик жамияти томонидан туман марказида макарон ишлаб чиқариш цехи ва "Қорабайли" аҳоли пунктида нон маҳсулотлари тайёрлаш цехи ишга туширилди. "Қорабайлигуруч" филиалининг бўш турган биноларида 10 минг бошга мўлжалланган паррандачилик комплекси ташкил этиш мақсадида "Агробанк" томонидан кредит олиш ва Россиянинг "Пятигорск-Сельмаш" МЧЖдан 210 минг АҚШ доллари миқдорида технологик ускуналар сотиб олиш бўйича шартнома тузилди. "Шуманай" деҳқон бозорини реконструкция қилиш бўйича 300 миллион сўм кредит ажратилди. "Аксунгул" аҳолига хизмат кўрсатиш корхонаси иморати таъмирланиб, "Асакабанк" томонидан лизинг асосида 40 та тикув машинаси олиб келиб ўрнатилди. Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида "Микрокредитбанк" томонидан 12 та лойиҳа, "Агробанк" томонидан 9 та лойиҳа, Халқ банки томонидан 10 та лойиҳа, шунингдек, "Миллий банк" ва "Ипотека банк"лар томонидан бир қатор лойиҳалар молиялаштирилиб, автомобилларга ёнилғи қуйиш ва сервис хизматини кўрсатиш шохобчаси, паррандачилик, балиқчилик, гўшт, сут, макарон цехлари ишга туширилди.

**— Асосий соҳа — қишлоқ хўжалиги бўйича ўтган йили белгиланган вазифалар қандай бажарилди?**

— Ўтган йили туман бўйича 6500 гектарга чигит экилиб, давлатга 11193,3 тонна пахта топширилди. Жорий йил ҳосили учун 4627 гектар майдонга ғалла экилиб, ҳар гектарига 5 тоннадан, жами 28705 тонна маҳаллий ўғит чиқариш бўйича график ишлаб чиқилди. Туманда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачиликни ривожлантириш бўйича Дастур қабул қилинди. Унга мувофиқ 2012 йилда чорвачилик бўйича 2 та, паррандачилик бўйича 2 та, балиқчилик бўйича 1 та, асаларичилик бўйича 3 та лойиҳа қабул қилиниб, тегишли маблағлар ажратиш белгиланди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан 4,5 тонна сут, 7,5 тонна гўшт, 510 минг дона тухум, 1 тонна товуқ гўшти, 1 тонна балиқ, 245 килограмм асал етиштириш белгиланган.

**— Юқорида қайд этилган дастур асосида жорий — Мустаҳкам оила йилида қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилган?**

— Дастур ижросини таъминлаш юзасидан жорий йилда кўпгина ишларни амалга ошириш белгиланган. Жумладан, тумандаги 8-умумтаълим мактабини, туман болалар спорт мактабини капитал таъмирлаш, 9- ва 11-умумтаълим мактабларини жорий таъмирлаш, 22-, 27-, 29-умумтаълим мактабларида компьютер синфларини очиш, 18-умумтаълим мактаби қошида спорт зали қуриш, туман давлат санитария-эпидемиология назорат маркази биносини капитал таъмирлаш, туман марказий шифохонасини "Эксимбанк" имтиёзли кредити ҳисобидан жиҳозлар билан таъминлаш, туман маданият уйини капитал таъмирлаш, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш назарда тутилган.

Аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Деҳқонобод ва Майлиўзак овул фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги ўрта босимдаги 6,5 километр газ линиясини капитал таъмирлаш, Кетенлер ОФЙ ҳудудида ўрта босимдаги 4,2 километр газ тизимини, 10,77 километр сув қувурларини тортиш, 31,36 километр сув қувурларини алмаштириш, узунлиги 17,5 километр Қанликўл-Деҳқонобод янги сув қувурини тортиш, Қанликўл туманидаги насос станциясини реконструкция қилиш, маҳаллий ва ички йўлларни таъмирлаш ишлари бажарилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ирригация-мелиоратив тизимини ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича ишлар давом эттирилади. 2012 йилда 3 та "Арион-630 с" русумли трактор, 1 та юқори унумли "Доминатор-130" ғалла ўриш комбайни, 6 та ТТЗ-80-11 чопиқ трактори, 25 та СЧХ-4Б русумли қўшқатор чигит экиш сеялкасини ва бошқа қишлоқ хўжалиги агрегатларини лизинг асосида олиш бўйича шартномалар тузилмоқда. Шу билан бирга, туман марказини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом эттирилади.

**"Qishloq hayoti" мухбири**
**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**
**суҳбатлашди.**

Бугун мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу эса агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ва ҳосилни муддатида нест-нобудсиз йиғиб олишда ўз самарасини кўрсатяпти. Шунингдек, соҳа тараққиётида техника ва бошқа асосий воситаларни етказиб бериш, техник ва сервис хизмат кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга.



# ЛИЗИНГГА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАР

"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик компанияси фермер хўжаликларини юқори самарали техникалар билан таъминлашда қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Буни рақамларда ҳам кўриш мумкин: компания томонидан 2009 йилда 3133 та, 2010 йилда 3444 та техника фермерларга етказиб берилган бўлса, ўтган йили мазкур кўрсаткич 5294 тани ташкил этди. Агарда буни таҳлил этадиган бўлсак, уч йилда ўн икки мингдан зиёд техника ишга киришди.

— 2001 йилдан буён эса 37900 дона техника фойдаланувчиларга топширилди, — дейди "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик компанияси матбуот хизмати котиби Фахриддин Ҳожиев. — Ўтган йили янги турдаги чигитни қўшқатор экиш сеялкаси, пахтани чеканка қилиш ускунаси, ассенизацион машина, чанглатгич ва замонавий ғалла комбайнлари, юқори унумли ҳайдов тракторлари ҳамда икки хил замонавий омочлар қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб берилди. Айниқса, ҳайдов тракторлари ва ем-хашак агрегатларига талаб катта бўлаётир.

— Лизинг тизими фермерлар учун жудаям қулай экан, — дейди Чиноз тумани "Муқимий" фермер хўжалиги раҳбари Муқим Эрхўжаев. — 2011 йил декабрь ойида 5 йиллик муддат билан 215 миллион сўмлик "Аксос-850" русумли ҳайдов трактори олгандик. Ўзимизникидан ортиб, қўшни хўжаликларга ҳам техник ёрдам кўрсатяпмиз. Тушган фойдани эса лизинг тўловларига йўналтириш кўзда тутилган.

— Ўтган йили "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниясининг вилоят филиалидан жами 53 миллион 300 минг сўмлик трактор, культиватор, пахта экадиган сеялка ва ғўзани дорилайдиган аппарат олдик, — дейди Қумқўрғон туманидаги "Амиров Зафар" фермер хўжалиги раҳбари Баҳриддин Амиров. — Айни вақтда 60 фоиздан ортиғи тўлаб бўлинди. Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар, дея бежизга айтилмаган. Иш унумдорлиги ҳам бир неча баробар ошди. Шу кунларда 110 миллион сўмлик ҳайдов трактори олишни режалаштиряпмиз. Бунинг учун хўжалигимиз ҳисобида маблағ етарли.

Фермерларга берилаётган бундай имтиёзлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини оширибгина қолмай, аҳоли турмуш даражасининг юксалишига ҳам хизмат қилмоқда.

**Соҳиба СОЛИЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Бухоро Вилояти

**Санжар Ҳайитов Когон туманидаги Арабхона маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият кўрсатаётган 53-сонли милиция таянч пунктида профилактика катта инспектори вазифасида ишлайди. Маҳалла ҳудудидаги Бухорошоҳ ва Халқлар дўстлиги кўчаларида жойлашган 49 та кўп қаватли уйларда 10 дан ортиқ миллатга мансуб 2447 нафар фуқаро истиқомат қилади.**



# ҚЎШНИНГ ТИНЧ – ҲАММАЁҚ ТИНЧ

Милиция таянч пункти ходимлари ҳудудда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла посбонлари, яраштириш комиссияси, диний, маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар кенгаши каби жамоат тузилмалари, таълим муассасалари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйишган.

Маҳаллада ёшларни соғлом ва ҳар томонлама комил инсонлар қилиб тарбиялаш, уларда фойдали меҳнатга кўникма ҳосил қилиш бўйича ишлаб чиқилган аниқ дастурлар асосида иш олиб борилмоқда.

Маҳалла ҳудудидаги спорт майдонларида доимий равишда турли мусобақалар ўтказилаётган бўлса, кичик бизнес субъектлари — тикув цехлари, гўзаллик салонлари, сартарошхона, маиший техникани таъмирлаш устахоналари, компьютер хизмати шохобчаларида юзлаб ёшлар касб-ҳунар сирларини ўрганишмоқда.

Маҳалла ва унда истиқомат қилаётган оилалар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, аҳилликни мустаҳкамлаш, асрий урф-одат ва анъаналаримизни тарғиб этиш мақсадида "Энг обод хонадон", "Сиз оила қуришга тайёрмисиз?", "Эрта бугундан бошланади", "Маҳаллам — фахрим" каби танловлар ўтказиб келинмоқда.

Олиб борилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ маҳалла ҳудуди тинч осойишта бўлиб, бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда. Шу боис, "Энг намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг вилоят босқичида ушбу милиция таянч пункти ғолибликни қўлга киритди.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

* * *

**СУРАТДА:** *маҳалла профилактика инспектори Санжар Ҳайитов, фуқаролар йиғини раиси Муҳамад Қудратов билан галдаги режалар хусусида суҳбатлашмоқда.*

**Муаллиф олган сурат.**

НаВоий Вилояти

**Навбаҳор тумани деҳқонлари қиш фаслини ҳам иш фасли билишади. Ҳозир ҳам шўр ювиш тадбири уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Бу йил навбаҳорлик ғаллакорлар 8682 гектар майдонга кузги ғалла экиб, бир текисда ундириб олишди. 8220 гектар ерга чигит экишни режалаштирган пахтакорлар 6100 гектар ерда иккинчи марта шўр ювиш ишларини давом эттиришмоқда.**

# НАВБАҲОРДА БАҲОР ТАРАДДУДИ

Кармана-Конимех ирригация тизими бошқармасининг Навбаҳор туман бўлими бошлиғи Остон Норов билан фермер хўжаликлари далаларини айландик.

— Мана бу экин ерлари "Невагросиёсат" фермер хўжалигига қарашли, — дейди Остон ака чел олинган далага ишора қиларкан. – Хўжалик аъзолари биринчи шўр ювишни тугатиб, иккинчисини давом эттирмоқда. Муҳими, шўр ювиладиган далаларга 280 тонна маҳаллий ўғитни сув билан оқизмоқда.

— Шўр ювишнинг ҳам қоидаси бор, — дея суҳбатга қўшилади "Мавлон Мироб" сув истеъмолчилари уюшмаси раиси Мавлон ака Жўраев. — Бунинг учун чел олиш сифатига эътибор бериш лозим. Биринчи сувда ҳар гектар ерга 2,5-3 куб метр талаб қилинса, иккинчи сувда 1,5-2,5 куб метр қуйилади. Челдаги сув тортилиб, ер ёрилмасдан иккинчи сув қуйилиши керак. Бунинг учун далани кузатиб бориш талаб этилади. Уюшмамиз 24 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатади. Шундан 18 таси пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган, 6 таси боғдорчилик. Бу йил 910 гектар ерга кузги ғалла экилган, ривожланишидан кўнглимиз тўқ, шу йилнинг ўзида икки марта суғорилди. 896 гектар ерга чигит экишни режалаштирганмиз.

— Ҳозир вақт ғанимат-да, ҳаракатимизни қилиб қолмасак, улгуролмай қолишимиз мумкин, — дейди фермер хўжалиги иш юритувчиси Қилич Рустамов. – Ўтган йили 31 гектарга пахта, 27 гектарга ғалла экиб, шартнома режасини 110 фоизга бажардик. Бу йил яна еримизга 24 гектар қўшилиб, жами майдонимиз 82,5 гектарга етди. Шундан 60,2 гектарига кузги дон экдик, 22,3 гектар ерга пахта экишни режалаштирганмиз. 6 нафар сувчи, 2 нафар механизатор, яна 30 нафар доимий ишчи меҳнат қиламиз. Хўжаликдаги ТТЗ-80 ва ТТЗ-100 тракторларини таъмирлаб, мавсумга шай қилиб қўйганмиз.

Гарчи совуқ ҳали-бери давом этаётган бўлсада, баҳор яқин. Бугунги юмушлар эса эртанинг тадориги. Шу боис навбаҳорликлар ҳар дамни ғанимат билишиб, меҳнат қилишмоқда.

**Исроил ХОЛБОЕВ**

▼ АНЖУМАН

**"Пойтахт" бизнес марказида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координаторлари ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда "Амалга оширилаётган ислоҳотлар очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш: давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари салоҳиятини такомиллаштириш масалалари" лойиҳаси доирасида семинар иш бошлади.**

# АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Тадбирдан кўзланган мақсад, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ахборот хизматлари салоҳиятини такомиллаштиришга кўмаклашиш, матбуот хизматлари ходимлари иш фаолиятини яхшилаш, веб-сайтлардан самарали фойдаланиш, ахборот хизматларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий аҳамиятга эга ахборотлардан фойдаланиш имкониятини яратишдир.

Мазкур семинар лойиҳанинг иккинчи босқичи бўлиб, унда иқтисодий, ижтимоий соҳалар бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотларидаги ахборот хизматларининг 120 нафардан зиёд ходими иштирокида амалга ошириладилади. Бу гал иқтисодий соҳада фаолият юритаётган вазирликлар ва идоралар ахборот хизмати раҳбарлари, ходимлари, маҳаллий ва минтақавий оммавий ахборот воситалари ҳамда босма нашрларнинг мухбирлари, Ўзбекистон фуқаролик жамияти институти вакиллари қатнашмоқда. Тадбир давомида ходимлар малакасини ошириш, хорижий экспертлар иштирокида семинар-тренинг ва давра суҳбатлари уюштириш кўзда тутилган.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Хоразм Вилояти

# УРГАНЧ ЎТ ЎРИШ МАШИНАЛАРИ ЗАВОДИ

## ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХОРИЖГА ҲАМ ЧИҚАРМОҚДА

***Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида, жаҳон иқтисодиётига, биринчи галда ривожланган йирик мамлакатлар иқтисодиётига ҳамон салбий таъсир кўрсатиб келаётган инқироз даврида ҳам мамлакатимизда барча соҳаларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йилдан-йилга ортиб бораётгани натижасида қўлга киритилаётган натижалар халқимизнинг фидокорона меҳнати ва тинимсиз изланишлари самараси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.***



Бундай ўсиш суръатларини Хоразм вилоятидаги йирик саноат корхоналаридан бири бўлган «Урганч ўт ўриш машиналари заводи» очиқ акциядорлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхонада уч турдаги ўт ўриш машиналари, тракторларнинг тортиш кучига қараб 7 турдаги плуг, культиваторлар, хорижда ишлаб чиқарилган замонавий комбайнларнинг кўплаб эҳтиёт қисмлари тайёрланади ва таъмирланади. Булардан ташқари, буюртмалар асосида қишлоқ хўжалиги техникаларининг кўпгина тиркамалари, улар учун ускуналар, қолаверса, белкурак, кетмон каби иш қуроллари ҳам шу ерда ясалади. Корхона муҳандис ва мутахассислари доимо изланишда. Ҳар бир ишчи ўз вазифасига ташаббускорлик, фидойилик билан ёндашади — ишда унумдорлик ва самарадорлик йўлларини излашади. Мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, "КНР-1,5" ўт ўриш машиналари илгарилари хориждан олиб келинарди. Бундан 3-4 йилча олдин завод мутахассислари бош муҳандис Анатолий Ли раҳбарлигида маҳаллийлаштириш дастури асосида мазкур машинани ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар ва илк йилдаёқ 150 та ўт ўриш машинаси ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилди. Худди шунингдек, ўт ўриш, йиғиш, зичлаш амалларини бажарувчи республикамиз қишлоқ хўжалигида зарур бўлган агрегатларни ҳам жамият муҳандислари маҳаллийлаштириш дастури асосида ижодий ёндашиб, ўзлари яратмоқдалар. Олдинлари четдан келтириладиган техникалар эндиликда хорижга сотилмоқда. Жумладан, "КНР-1,5" ўт ўриш машиналари Туркманистон ва Қозоғистонга экспорт қилинмоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилган культиваторни барча вилоятлардаги ер эгалари харид қилишмоқда. Уларни етказиб беришда қулайлик яратиш мақсадида, қайси вилоятдан қанча культиваторга буюртма тушса, унинг асбоб-ускуналари ва жиҳозлари юк машиналарида ўша вилоятга юборилади ва келишилган жойда йиғилади.

— Амалдаги йилнинг биринчи чорагида пахтакор фермерларимиз учун 60х60 ва 90х90 сантиметр оралиқда уруғ ташлайдиган қўшқатор сеялкалардан 120 тасини ишлаб чиқаришга буюртма олдик, — дейди жамият раиси Отабой Отажонов. — Илгарилари бундай сеялкалар хориждан катта маблағ ҳисобига келтириларди. Қўшқатор экиш сеялкаси, культиватор ва уларнинг ишчи органлари, қисқаси, юқорида айтиб ўтилган эҳтиёт қисмлар ҳисобига жорий йилнинг илк чорагида 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва харидорларга етказиб беришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Яна бир эътиборли жиҳат. Жорий йилда корхонада хорижга қишлоқ хўжалиги техникалари ва уларнинг эҳтиёт қисмларини етказиб бериш мақсадида ҳам қатор ишлар амалга ошириляпти.

Корхона раҳбари ўринбосари Алишер Отажонов ҳамроҳлигида темир қирқиш, механика, пайвандлаш ва йиғув цехлари иш жараёнлари билан танишар эканмиз, Алишер Ўрозметов, Дониёр Холниёзов, Игор Қўчқоров, Исмоил Авазметов сингари моҳир усталарнинг фидойиликларини кўриб, ишлаб чиқариш сифат ва суръатларининг йилдан-йилга ошиб бориши омиллари нимада эканлигини англагандай бўлдик. Бу, аввало, Истиқлол яратаётган имкониятлар — кишиларимиз дунёқарашининг ўзгараётгани, уларда эгалик ҳиссининг кучайиб бораётгани натижасидир. Замоннинг талаби шу — қайси корхона рақобатбардош ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарса, унинг муваффақиятлари ҳам улкан бўлаверади. Урганч ўт ўриш машиналари заводи ҳам ана шундай юксак мақсадлар сари шахдам одимлаётган корхоналардандир.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё Вилояти

**Кўп йиллик тажриба ва селекционер олимларнинг изланишлари юқори сифатли ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан уруғликнинг сара ва донадорлигига боғлиқлигини исбот этди. Иқлим ва тупроқ шароитига мос, юқори репродукцияли навларнинг танлаб тўғри жойлаштирилаётгани натижасида Ўзбекистон пахтасининг жаҳон бозорида нуфузи ошиб, муносиб ўринни эгаллаётир.**

# САРА УРУҒ САРА ҲОСИЛ ГАРОВИ

Айниқса, шўрхок тупроқ ва сувсизликка чидамли "Ан-Боёвут-2", "С-6524", "Бухоро-102" навлари экин майдонлари шўрлаган Сирдарё вилояти шароитига яхши мослашди ва сув тақчил йилларда ҳам бу навлардан юқори сифатли, сертола ҳосил етиштириб келинмоқда. 2011 йилда вилоятнинг асосий экин майдонларига "Ан-Боёвут-2", "С-6524", қатор фермер хўжаликларига "Бухоро-102", истиқболли "Гулбаҳор", "Навбаҳор", "Кўпайсин" навлари жойлаштирилганди. Самара қувонарли бўлди: вилоятда 238 минг тоннадан ошиқ юқори сифатли хомашё йиғиштириб олинди. Пахта толалиги эса 34-35 фоизни ташкил этаётир.

Мўл ва юқори сифатли ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан уруғ сифати, унувчанлик даражаси юқорилиги, мавсумга тайёргарлик ишларининг ўз вақтида амалга оширилишига боғлиқлигини тажрибада тўғри англаган вилоят пахтакорлари, дорилаш корхона-цехларининг жамоалари уруғлик чигитни саралаб, 2012 йил экин-тикин мавсумига ҳар қачонгидан ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Вилоятда бу йил "Ан-Боёвут-2", "С-6524", шунингдек, "Бухоро-102", истиқболли "Гулбаҳор", "Навбаҳор" навларидан жами 5000 тонна уруғлик чигит тайёрлаш режалаштирилган. "Бахт" пахта тозалаш заводи уруғлик цехи, "Малик" уруғчилик корхоналарида чигитни саралаб дорилаш, алоҳида омборларга жойлаштириш ишлари юқори суръатда давом эттирилмоқда. Уруғ сифати, унинг саралиги, дорилаб қопланиши, ёрлиқлар ёпиштирилишини вилоят "Давуруғназоратмаркази" мутахассислари, цехлар қошида фаолият кўрсатаётган уруғчилик лабораторияси мудирлари доимий назорат қилиб боришмоқда. Айни вақтда цехларга уруғ жўнатилаётган заводлар қошида ҳам уруғ назорати лабораториялари фаол ишлаб турибди. Икки томонлама назоратнинг кучайтирилиб, ҳар бир заводдан келтирилган уруғ алоҳида рақамларда рўйхатга олиб борилаётгани юқори репродукцияли уруғ тайёрланишини ҳам таъмин этаётир. Бу борада, айниқса, "Малик" уруғчилик корхонасида олиб борилаётган ишлар ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқдир. Корхонага Германиядан келтирилган иккита "Пектус" уруғни саралаш агрегати ўрнатилган. Бу ерда кунига 15 тонна тукли, 30 тонна туксиз уруғ саралаб, қопланиб, 3000 тонна сиғимга эга бўлган омборга жойлаштирилмоқда. Тайёр, дориланган уруғ сифатини корхона раҳбари Баҳодир Атажонов, уруғ назорати лабораторияси мудири Исфандиёр Мавлоновлар мунтазам текширувдан ўтказишаётир.

— Лаборатория хонасига 2 та термостат ҳам ўрнатганмиз, — дейди уруғчилик лабораторияси мудири Исфандиёр Мавлонов. — Иш тартибига кўра ҳар бир заводдан келтириб, сараланган уруғни алоҳида тахтача — уяларга экиб, унувчанлигини синаб кўрамиз. Термостатда сақланаётган уруғ 10-12 кунда униб чиқади. 200 дона чигитдан 185-190 таси тўлиқ униб чиқса, яроқлилиги юқори деб баҳоланади. Қолаверса, ҳар бир заводдан олиб келиб, дорилаб қопланган чигитга ёрлиқлар тикиб қўйилади. Бу эса ҳар хил эътирозлар юз берганда уруғнинг асл эгаси кимлигини аниқлашда қўл келади.

— Бу йил 2035 тонна чигит тайёрлашни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди корхона раҳбари Баҳодир Атажонов. — Ҳозиргача 1800 тоннадан ошиқ биринчи репродукцияли уруғлик чигит тайёрладик. Шунинг асосий қисмини "Ан-Боёвут-2", 300 тоннасини "Гулбаҳор" нави ташкил этади. Иш суръатини ошириш, маҳсулот сифатини таъминлашда, айниқса, бош муҳандис Бозорбой Жўраев, смена мастери Фарҳод Жўратоев, илғор саралловчилар Муҳаббат Аманова, Беҳзод Аллабердиев, Меҳмонали Норматов, Мухтор Нурбоев, лаборант Гулнора Карабалиева, Гулсара Ҳошимоваларнинг хизматлари катта бўлмоқда. Уларнинг ўз ишларига алоҳида масъулият билан ёндашаётганликлари учун ҳам тайёрлаётган уруғлик чигитимизга эътирозлар бўлмаётир.

Вилоят корхоналарида унувчанлик даражаси юқори чигит тайёрлашга ҳақиқатан ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳудудлардаги 41 та уруғлик чигит тарқатиш шохобчалари таъмирдан чиқарилиши баробарида, шохобчаларга бириктирилган масъул раҳбарлар масъулияти ҳам оширилди. Жойларда тукли чигитни ивитиш хандақлари тайёрланиб, тўлиқ қайта назоратдан ўтказилди. Ана шу ҳаракатлар самараси ўлароқ, ҳозиргача 4500 тоннадан зиёд уруғлик саралаб, дориланган ҳолда мавсумга тахт қилиб қўйилди.

— Бу йил вилоят эҳтиёжидан ҳам кўпроқ уруғлик тайёрлашга ҳаракат қиляпмиз, — дейди вилоят "Давуруғназоратмаркази"нинг бошлиғи Маматқул Исаев. — Қўшни вилоятларга ҳам 300 тоннадан ошиқ "Ан-Боёвут-2" навли уруғлик чигит етказиб бериб, асосий эътиборни далаларга ер шароитига мос сара нав уруғларни жойлаштиришга қаратамиз.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

ЭЪТИРОФ

Бухоро Вилояти

# ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

## БУНДА «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» КЎМАГИГА ТАЯНАЯПМИЗ

**Мамлакатимиз Президенти ва ҳукумат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги туфайли унинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссаси тобора кўпайиб бормоқда. Буни корхонамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Жамоамиз маҳаллий бозорда ва МДҲ ҳудудида сифатли гигиеник шампунь воситаси ҳамда эластик белбоғлар ишлаб чиқарувчи етакчи корхона сифатида ном қозонган ҳамда доимий мижозларга эга.**

Жамиятимиз иш фаолиятини тобора кенгайтириб бормоқда. 2011 йилда қоракўл тери ва туя жунидан тайёрланадиган тиббий белбоғлар — пояслар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш чоралари кўрилди. Ускуна ва хомашё сотиб олиш учун "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ тизимида ўтказилган "Энг яхши инновацион лойиҳа" танловида қатнашиб, ғолиб бўлдик. Шунга асосан, банкнинг Бухоро минтақавий филиали томонидан узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратилди.

Жамиятимиз томонидан ишлаб чиқилган бизнес режага асосан лойиҳанинг 70 фоизи корхонамиз маблағи ҳисобидан, 30 фоизи банкдан олинган маблағ ҳисобидан амалга оширилмоқда. Бу ниятнинг тўла ижобат бўлиши натижасида қоракўл теридан йилига 10 минг дона ҳамда туя жунидан 20 минг дона тиббий белбоғлар ишлаб чиқарилади. Энг қувонарлиси, ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида қўшимча равишда кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий, энергияни тежайдиган технологияларни ҳаётга татбиқ этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ ва божхона имтиёзлари берилганлиги хориждан серунум ускуналарни олиб кириш орқали янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда тадбиркорлик субъектларининг имкониятларини янада оширмоқда. Жамоамиз 2012 йилда ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

**Баҳриддин БЕШИМОВ,**
**Бухородаги "Альфа-Омега" МЧЖ раҳбари.**

Самарқанд Вилояти

# МОЛИЯВИЙ МАДАДДАН МАМНУНМИЗ

**Масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхонамиз сутни қайта ишлаб, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолият турларини кенгайтириб бормоқда. 2011 йили янги ускуна ўрнатиб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни кўзлагандик.**

Тақдим этилган бизнес-режамизга кўра "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБнинг Самарқанд минтақавий филиали томонидан Россияда ишлаб чиқарилган замонавий пишлоқ тайёрлаш ва сутни қайта ишлаш ускуналарини келтириш ҳамда хомашё сотиб олиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Кредит ҳисобига ускуналар сотиб олинганлиги ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, истеъмолчилар талабига жавоб берадиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, 2011 йилда жамиятимиз томонидан аҳолига турли хил сут маҳсулотлари — хасипсимон пишлоқ, сметана, қаймоқ, творог, қатиқ етказиб бериш кўлами кенгайтирилди. Янги ишлаб чиқариш қувватининг ташкил этилиши туфайли жамият даромади ва савдо ҳажми ортди, янги иш ўринлари вужудга келтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил якунлари ва 2012 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида бу йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлиши таъкидланди. 2011 йилда жамиятимиз томонидан аҳолига 450 миллион сўмликка яқин маҳсулотлар етказиб берилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткични 750 миллион сўмдан оширишни кўзламоқдамиз.

**Гулбаҳор САМАТОВА,**
**Самарқанд туманидаги "Istiqlol" МЧЖ раҳбари.**

МУТАХАССИС МИНБАРИ

**Жорий мавсумнинг ёғин-сочинли, совуқ келиши, совуқ ҳаво оқимининг чўзилиши бошоқли дон экинлари парваришига ниҳоятда эътиборли бўлишни тақозо этмоқда.**
**Ғалланинг қишки тиним даври қанча узоқ бўлса, баҳор тиғиз келади. Яъни, бундай ҳолатларда майсаларнинг ўсиш ва ривожланиш босқичлари, туплаш, найчалаш даври ўта тез ўтади. Кеч экилган, қишловга тупламай кирган майсалар, шунингдек, ривожи орқада қолаётган майдонларни алоҳида назоратга олиш зарур. Парваришни, қўшимча ишлов беришни, ғалла навларининг биологик ҳолатидан келиб чиқиб, тезроқ амалга ошириш мақсадга мувофиқ.**

# ҚИШЛОВДАН ЧИҚҚАН МАЙСАЛАР

*Парваришу эътибор уларга ниҳоятда зарур*

Бу йил қишда ҳаво ҳарорати 15-20 даражагача совуқ бўлди. Демакки, совуқ урган — сийрак, ривожи орқада қолган майсалар ҳам йўқ эмас. Бундай майдонларга зарур агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида қўллаш керак.

Кечки муддатларда экилган, ривождан орқада қолган ғалла майдонларини гектарига қўшимча 100 килограмм миқдорида азотли ўғитлар билан озиқлантириш лозим. Сўнгра ушбу майдонларни гектарига 10 тоннадан, ҳолати ўртача ва эрта экилган майдонларга эса гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит билан "шарбат" усулида суғориш, сув сарфини эса гектарига 450-500 $м^3$ дан оширмаслик тавсия этилади.

Азотли ўғитлар билан биринчи озиқлантиришни 10-20 мартгача ўтказиш лозим. Бунда гектарига 150-160 килограммдан физик ҳолда азот берган маъқул.

Мавсумнинг серёғин келиши бегона ўтлар ва касалликларнинг ривожланишига ҳам шароит яратиши мумкин. Буни, албатта, ҳисобга олиш керак. Бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтларнинг турларига алоҳида эътибор берган ҳолда 1 метр квадрат майдонда 7-8 дона бўлганда қўлланиладиган гербицидларни қўллаш лозим. Акс ҳолда, ғаллага берилган озуқанинг 70, сувнинг 80 фоизи исроф бўлади. Негаки, бегона ўтлар ғаллага нисбатан уларни тез ўзлаштиради.

Республикамиз ғалла майдонларида учрайдиган бир йиллик бегона ўтларга (шўра, жағ-жағ, чақамиқ, ёввойи рапс, сутлама ўт, бурган, лолақизғалдоқ ва олабўта) қарши буғдойнинг асосан тупланиш босқичида Республика Давлат кимё комиссияси томонидан рухсат этилган гербицидларни ҳаво ҳарорати 15-18 даражадан паст бўлмаган, шамол тиним даврида, эрталабки соат $10^{00}$ дан кечки $17^{30}$ гача сепилганда яхши самара беради. Эрта муддатларда экилган ғалла майдонларида буғдойнинг найчалаш босқичининг бошланиш даврида фақатгина "Гранстар" ва "Биостар" каби таркибида таъсир этувчи "декамба" моддаси мавжуд бўлмаган воситаларни қўллаш керак.

Кўп йиллик ва бир йиллик бегона ўтларга (қўй печак, от қулоқ, ғўзатикон) қарши "Гранстар плюс", "Гранстар повер", "Пик" гербицидлари буғдойнинг туплаш босқичида қўлланилади. Бу гербицидларни буғдойнинг найчалаш босқичида қўллаб бўлмайди. Негаки, бу даврда ўсимлик ичида бошоқча шаклланаётган бўлади. Салбий таъсир этиб, бошоқчаларда тўлиқ дон ҳосил бўлмайди. Бундан ташқари, ғаллазорларда учрайдиган бошоқдошлар оиласига мансуб ёввойи сули, регрес, тулки дум, буғдойиқ каби бегона ўтларга қарши "Топиқ", "Атлантис", "Энтосупер" гербицидларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Касаллик ва зараркунандалар кунлик ҳарорат ўртача 10 даражадан юқори бўлганда ривожлана бошлайди. Айниқса, ҳаво ҳарорати нам келган йилларда касалликлар ривожланиши жадаллашади. Ушбу касаллик ва зараркунандалар тарқалишининг олдини олиш мақсадида ғалла майдонлари атрофидаги бегона ўт, хас-хашак қолдиқларини тозалаш, мавжуд бўлган ариқ-зовур ёқаларига, тут қаторларига ИСО қайнатмасини тайёрлаб, ишлов беришни ташкил этиш зарур.

Барг орқали озиқлантиришда (суспензия сепиш) гектарига физик ҳолда 25 килограмм карбомидни 300 литр сувда эритиб, икки марта, 15 мартдан 1 апрелгача сепиш тавсия этилади. Бундан ташқари, барг орқали озиқлантиришда республикамизда рухсат этилган биологик "Агрозим", "Гумимакс", "Гумимакс двойная сила", "Байкал М", "УзГуми" препаратларидан (15 мартдан 15 апрелгача) ўсимлик ҳолатидан келиб чиқиб, 2-3 марта, яъни ўсимлик туплаш, найчалаш ва бошоқлаш босқичларида фойдаланиш яхши самара беради.

Шунингдек, ғалла майсалари пайҳонгарчилигига қарши чораларни кучайтириш, "шарбат" ўраларини ўз вақтида тартибга солиш, қўшимча гўнг жамғаришни ташкил этиш бугуннинг муҳим ишларидандир.

**Равшан СИДДИҚОВ,**
**Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти директори,**
**қишлоқ хўжалик фанлари доктори.**

Наманган Вилояти

"ЎЗПАХТАСАНОАТ" КОРХОНАЛАРИДА

# ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

**Уйчи пахта тозалаш акциядорлик жамияти Уйчи ҳамда Чортоқ туманларида етиштирилган 32 минг 300 тонна пахтани қайта ишлашга мослашган. Айни кунларда жамият аъзолари пахта ҳосилини қайта ишлаш, жорий йил пахта ҳосили учун уруғлик чигит тайёрлашда фаол иштирок этишяпти.**



Уруғлик тайёрлаш цехи янги, замонавий техника воситалари билан тўла-тўкис жиҳозланган. Замонавий технология, ўз навбатида, иш унуми ва сифатига ижобий таъсир этмоқда.

— Жорий йил пахта ҳосили учун жами 2000 тонна уруғлик чигит тайёрлаймиз, — дейди жамият раиси Лутфулло Эгамбердиев. — Шундан 1550 тоннаси туксиз, 450 тоннаси эса тукли дориланган уруғлик чигит ҳисобланади. "Сара уруғ — ҳосил бўлиқ" дейишади. Шу боис, кунига тайёрланаётган 60-65 тонналик уруғлик чигит қатъий назорат остига олинган. Бу жараёнларда вилоят Ғўза уруғчилиги бирлашмаси, "Ўздавуруғназорат"нинг вилоят бўлими, вилоят Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази ходимларидан иборат махсус комиссия аъзолари фаол иштирок этишмоқда. Заводимиз томонидан тайёрланган уруғлик чигит вилоятимизнинг Учқўрғон, Норин, Чортоқ, Косонсой, Наманган ҳамда ўзимизнинг Уйчи туманидаги фермер хўжаликларига тарқатилади.

Уруғлик чигит цехи бошлиғи Қобилжон Мирзамов, бош муҳандис Аъзамжон Зайниев, агроном Муҳаммадрасул Атахонов ва бошқаларни қизғин иш устида учратдик.

— Уруғлик чигит тайёрлаш ишларига жами 60 нафар ишчи-хизматчи жалб этилган, иш уч сменада ташкил этилган, — дейди цех бошлиғи Қобилжон Мирзамов, — Ишчи-хизматчилар учун жамиятимиз маъмурияти томонидан зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Замонавий таъмирланган 200 ўринли ошхонамизда эса бири-биридан мазали иссиқ овқатлар тайёрланади. Шунингдек, озиқ-овқат ва гўшт дўконлари, сартарошхона, тикувчилик цехи ҳамда пайнет хизмати ташкил этилган. Ўтган йили жамиятимиз қошида ёрдамчи хўжалик иш бошлади. Холмирза Олимжонов, Нодирбек Рафиқов, Муҳаммадиброҳим Алматов каби ишчи-хизматчиларимиз ўзларига топширилган вазифаларни сифатли бажаришга ҳаракат қилишяпти.



— Озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида ўтган йили 274 миллион сўм сарфлаб, 10 мингта товуққа мўлжалланган замонавий паррандачилик фермасини ишга туширдик. — дейди Лутфулло Эгамбердиев. — Бу билан 20 та янги иш ўрни яратилди. Энг муҳими, заводимиз ишчи-ходимларини бозор нархидан бир мунча арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга эришдик.

Ўз олдиларига бир қатор бири-биридан муҳим ва долзарб вазифаларни белгилаб, астойдил меҳнат қилаётган жамият аъзоларига омад тилаб қоламиз.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ТУЁҒИДАН ШОХИГАЧА ДАРОМАД ЭЧКИЛАР

***Кўпчилигимиз ҳовлимизда боғ яратамиз, қўрада қўй, эчки сақлаймиз. Моли борнинг — ҳоли бор. Ушбу иборада жон бор. Бугун сиз билан хонадон шароитида эчки боқишга тўхталамиз. Негаки, эчкиларга озгина эътибор берилса, тезда кўпайиб, даромад манбаига айланади.***





Эчкини туёғидан шохигача даромад беради, дейиш мумкин. У гўшт, ёғ, сут беради. Шунингдек, жуни ва териси қимматли саноат хомашёси ҳисобланади. Ҳатто гўнги ҳам маҳаллий ўғит тарзида деҳқончиликда қўлланилади. Уларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўт кам, тоғли, саҳро ва ярим дашт жойларда кўпайтириш мумкинлигидир. Эчкиларнинг овқат ҳазм қилиш тизими ниҳоятда яхши ривожланган. Шу боис, уларга сабзавотлар, илдизмевалар, шунингдек, ҳар хил овқат қолдиқлари ҳам озуқа бўлаверади.

Эчкиларнинг "тивит", "оренбург", "донолди", "тоғли — олтой", "заанен", "горький" каби бир неча зотлари мавжуд.

**"Тивит" — жун берадиган эчкилар**нинг терисидан телпак, дубленка ва бошқа қишки кийимлар тикишда фойдаланилади. Тивит тараб олиш ва унинг сифати асосан эчкиларнинг ёшига боғлиқ. Чунки эчкиларнинг маҳсулдорлиги 3-4 ёшгача кўпайиб боради. 7 ёшдан кейин эса камая бошлайди. Бироқ шуни унутмангки, тивитнинг сифати эчкининг озиқланишига, парваришлаш шароитига, шунингдек, жун тараб олиш вақтига боғлиқ.

**"Оренбург" эчкилари** яхши насл бериши билан ажралиб туради. 100 бош она-эчкидан тахминан 130-140 улоқча туғилади. Бинобарин, улар 2 тадан, 3 тадан, ҳатто тўрттадан насл бериши мумкин.

"Оренбург" эчкиларининг ушбу жиҳатини ҳисобга олиб, уларни томорқа хўжаликларида кўпайтириш қимматли аҳамиятга эга.

**"Тоғли – олтой" эчки** зотлари яйловда йил бўйи боқишга мослашганлиги, анчагина юқори вазнга эгалиги, гўштининг сифатли эканлиги ва тез семириши билан бошқа эчки зотларидан фарқланади.

Бу зотдаги эчкилар ўзининг яхши сифатларини наслдан-наслга ўтказиш хусусиятига эга, шунинг учун уларни ёрдамчи хўжаликларда кўпайтириш ҳар доим катта фойда келтиради.

**"Заанен" зотли эчкилар**нинг бўйи 75-77, такалариники 82-85 сантиметргача етади. Вазни эса 80 килограммгача бўлади.

Уларнинг сут бериш даври 10 ойдан 11 ойгача давом этиб, шу даврда 600-700 литр сут олиш мумкин. Бу зотли эчкилар маҳаллий эчкиларнинг сут маҳсулдорлигини оширишга катта таъсир кўрсатади.

Эчкилар учун бино қуришда нафақат қуруқ бўлиши, балки елвизак бўлмаслигини ҳам ҳисобга олиш керак. Қиш даврида эчкиларни сайр майдонига 4-5 соат, совуқ бўлса, 1-2 соат чиқариш керак.

Эчкиларни яйловга олиб чиқишнинг ўзига хос фарқли томонлари бор. Бу кўпроқ об-ҳаво шароитига боғлиқ. Эчкилар жазирама иссиққа чидамсиз, шунинг учун иссиқ кунларда жониворларни соат 11 дан 16 гача муддатда яйловга ёйиш мақсадга мувофиқ эмас. Кечки салқин тушиши билан яйловга чиқариб, қоронғи тушгунча олиб юрилади.

Эчкилар нафақат ширали ва концентрацияланган озуқаларни, балки шувоқни, тиканли ўсимликларни, бута ва дарахтларнинг баргларини ҳам иштаҳа билан еяверади. Эчкилар арпа ва тариқ похолини яхши ейди, буғдой ва жавдар сомонини унчалик хуш кўрмайди. Уларга қуриган супурги поясини берса ҳам бўлади.

Бу жониворларга, албатта, енгил ҳазм бўладиган оқсилли озуқа – кепак берилади. Кепак, айниқса, она эчки ва улоқчага зарур.

Қўй-эчкилар орасида юқумли касалликлар кўп учрайди. Бу касалликларнинг хавфли томони шундаки, унда ҳайвонлар кўпроқ нобуд бўлади, шунингдек, маҳсулдорлиги камайиб кетади.

Бундай шароитда хўжаликда карантин ўрнатиш ва зооветеринарга мурожаат этиш зарур.

**Нилуфар САПАЕВА**
**тайёрлади.**

